



Суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш имкониятлари

А.Рахимов

Фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судининг раиси

Кейинги йилларда мамлакатимизда одил судловга эришиш даражасини ошириш, шунингдек судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу жараёнда судлар фаолиятини рақамлаштириш орқали фуқароларга кўшимча енгилликлар яратилмоқда.

Натижада ариза бериш, ишда масофадан иштирок этиш, суд ҳужжатларини олиш ва ишларнинг кўрилиши ҳақида маълумот олиш каби хизматлар электрон шаклда амалга оширилмоқда.

Маълумки, фуқаролик ишлари бўйича судларда иш юритиш тартибига оид асосий қоидалар Фуқаролик процессуал кодекси билан тартибга солинган.

Унга кўра, судларга анъанавий қоғоз шаклда ёки суд биносига келмасдан туриб, электрон шаклда мурожаат қилиш мумкин.

Шу билан бирга айрим ҳолларда масофа узоқлиги сабабли суд мажлисларида иштирок қилиш учун суд биносига келиш имкони бўлмаслиги мумкин.

Бундай ҳолларда судларда кўриладиган ишларда масофадан туриб ҳам қатнашиш имконияти мавжуд.

Яъни, Фуқаролик процессуал кодексининг 208-моддасига кўра, очик суд мажлислари видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.

Бунда шуни қайд қилиш лозимки, судда ёпиқ суд мажлисида кўриладиган ишлар видеоконференцалоқа режимида ўтказилмайди.

Кодексга асосан судларда ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар суднинг видеоконференцалоқа режимидаги мажлисида бу ҳақда ўзлари илтимоснома берганда ёки суднинг ташаббусига кўра иштирок этиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи ёки жойлашган ери ва турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланилади.

2025 йил 11 мартда қабул қилинган ЎРҚ-1047-сон Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар судда масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини янада кенгайтди.

Хусусан, эндиликда суд мажлисида видеоконференцалоқа режимида қатнашиш учун фуқаролар ўзи жойлашган ёки унга яқин ҳудуддаги суд биносига бормасдан туриб ҳам суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизими орқали ҳам қатнашишлари мумкин бўлади.

Шунингдек, ҳозиргача амалда бўлган тартибга кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаётган суд ушбу шахсларнинг келган-келмаганлигини текширади ва келган шахсларнинг шахсини аниқлайди, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги тўғрисида улардан тилхат олиши;

мазкур тилхат у олинган кундан кейинги кундан кечиктирмай суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйиш учун ишни кўраётган судга юборилиши лозим эди.

Юқоридаги Қонун билан киритилган қўшимчаларга асосан видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги, шунингдек гувоҳнинг қасамёди аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши белгиланди.

Бир сўз билан айтганда ушбу Қонун фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада оширишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.